



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
IQTISODIY TARAQQIYOT VA KAMBAG'ALLIKNI
QISQARTIRISH VAZIRLIGI

• • • •

**"ИНСОН КАМОЛОТИ ИНДЕКСИ - 2020" ҲИСОБОТИ ТАҲЛИЛИ, АМАЛГА
ОШИРИЛГАН ИШЛАР ҲАМДА САМАРАДОРЛИКНИНГ ЭНГ МУҲИМ
КЎРСАТКИЧЛАРИГА (КРІ) ЭРИШИШ БЎЙИЧА УСТУВОР
ЙЎНАЛИШЛАР**

Тошкент
2021 йил

ИНСОН КАМОЛОТИ ИНДЕКСИ – 2020 ҲИСОБОТИ БЎЙИЧА ТАҲЛИЛ, АМАЛГА ОШИРИЛГАН ИШЛАР ҲАМДА КРҒа ЭРИШИШ МАҚСАДИДА УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАР

I. Инсон камолоти индекси тўғрисида умумий маълумот

Инсон камолоти индекси (Human Development Index) БМТ Тараққиёт Дастури томонидан 1990 йилдан бери юритилади ҳамда **ҳар йилнинг охирида ҳисобот йилидан олдинги йилнинг якунлари бўйича ҳисоблаб чиқарилади.**

Индекс **189 та** давлатларнинг иқтисодий ва сиёсий ўсиш инсон капиталининг (узоқ умр, таълим, фаровон ҳаёт кўрсаткичлари орқали) ривожланишига таъсирини ҳамда жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражасини таҳлил қилади.

Инсон камолоти индекси **3 та кўрсаткич** орқали ҳисобланади:

1. **Умр кўриш давомийлиги индекси;**
2. **Таълим индекси;**
3. **Аҳоли жон бошига ЯМД (харид қобилияти паритети ҳисобида АҚШ долларарида) индекси.**

Мазкур **3 та мезонлар** бўйича якуний индекс кўрсаткичини аниқлаш учун даставвал ҳар бир мезоннинг индекси ҳисоблаб чиқилиши керак. Кўрсаткичларни **0** дан **1** (3 та ўнлик аниқлик билан ўлчанадиган маълумот)гача бўлган миқдорини индексларга айлантириш учун мезонларнинг энг кам ва энг кўп миқдорларини ўрнатиш талаб қилинади.

Якуний индекс кўрсаткичини ҳисоблаб чиқиш учун ўртача геометрик миқдорлар усулидан фойдаланилади ва шунинг учун энг кўп миқдор ҳар қандай икки мамлакат ёки вақт даврлари ўртасидаги таққослашга (фоизларда) таъсир кўрсатмайди.

Индекслар қуйидагича формулалар орқали аниқланади:

$$I. \text{ Умр кўриш давомийлиги индекси} = \frac{LE - 20}{85 - 20}$$

барча ёшдаги аҳолининг ўлим кўрсаткичлари кўриб чиқилаётган йил билан бир хил бўлади, деб тахмин қилиш мумкин бўлган келажакда ўртача умр кўриш давомийлиги қиймати

$$\text{II. Таълим индекси} = \frac{\text{MYSI} + \text{EYSI}}{2}$$

$$1. \text{ Ўртача таълим давомийлиги} = \frac{\text{MYS} - 0}{15 - 0}$$

$$2. \text{ Кутилаётган таълим давомийлиги} = \frac{\text{EYS} - 0}{18 - 0}$$

мамлакат аҳолиси учун таълим олиш имкониятларини ва уларни жорий этилганлик ҳолати таҳлилин аналга оширади

$$\text{III. Даромад индекси} = \frac{\text{Ln}(\text{GNIpc}) - \text{Ln}(100)}{\text{Ln}(75000) - \text{Ln}(100)}$$

аҳоли даромадларининг қиёсий даражасини таҳлил қилади

Бу ерда:

LE (Life expectancy) – ўртача умр кўриш давомийлиги (UNDESA маълумотлари асосида шакллантирилади);

MYS (Mean years of schooling) – ўртача таълим давомийлиги (UNESCO маълумотлари асосида шакллантирилади);

EYS (Expected years of schooling) – кутилаётган таълим давомийлиги (UNESCO маълумотлари асосида шакллантирилади);

GNI pc (Gross National Income per capita) – ЯМДнинг аҳоли жон бошига нисбати, харид қобилияти паритети бўйича АҚШ долларида (World Bank, International Monetary Fund, United Nations Statistics Division маълумотлари асосида шакллантирилади);

Т/р	Соҳа	Индикатор	Минимум	Максимум
1	Соғлиқни сақлаш	Ўртача умр кўриш давомийлиги (ёш)	20	85
2	Таълим	Ўртача таълим давомийлиги (йил)	0	15
3		Кутилаётган таълим давомийлиги (йил)	0	18
4	Аҳоли турмуш даражаси	ЯМДнинг аҳоли жон бошига нисбати, харид қобилияти паритети бўйича (АҚШ доллари)	100	75 000

минимал кўрсаткичлар – индикатор кўрсаткичларининг бошланғич нуқталарини (мисол учун, ўртача таълим давомийлигини 0 га тенглаб олиниши, бу расмий таълимсиз мамлакатларни ифодалайди), **максимал кўрсаткичлар** – тегишли йилларга мўлжалланган энг юқори кўрсаткични (мисол учун, ўртача

таълим давомийлигини 15 га тенглаб олинади, бу кўрсаткичнинг 2025 йилга мўлжалланган энг юқори қийматидир) англатади¹.

Индекс кўрсаткичи юқорида келтирилган формулалар асосида ҳисоблаб чиқилгандан сўнг, мамлакатларнинг рейтинг кўрсаткичлари тузилади ҳамда рейтингга кўра мамлакатларнинг инсон ривожланишининг **4 даражасига** кўра мамлакатлар қуйидаги гуруҳларга ажратилади:

Т/р	Тасниф	Даража
1	Инсон тараққиётининг жуда юқори даражаси	0,800-1,000
2	Инсон тараққиётининг юқори даражаси	0,700-0,799
3	Инсон ривожланишининг ўртача даражаси	0,550-0,699
4	Инсон тараққиётининг паст даражаси	0,550 дан паст

БМТнинг **Барқарор ривожланиш мақсадлари** таркибида қуйидаги мақсадлар мавжудлиги, **индекс кўрсаткичлари билан** уларнинг **ўзаро боғлиқ** эканлигини кўриш мумкин:

умр кўриш давомийлигини ошириш йўлида:

- соғлиқ ва фаровонлик (БРМ 3);
- тоза сув ва санитария (БРМ 6);
- иқлим ўзгаришига қарши курашиш (БРМ 13).

таълим сифатини ошириш йўлида:

- сифатли таълим (БРМ 4).
- гендер тенглиги (БРМ 5)

аҳоли турмуш тарзини ошириш йўлида:

- ўта қашшоқликка барҳам бериш (БРМ 1);
- очликка барҳам бериш (БРМ 2);
- муносиб иш ўринлари ва иқтисодий ўсиш (БРМ 8);
- тенгсизликни камайтириш (БРМ 10).

Инсон камолоти индексини шакллантиришда БМТ Тараққиёт Дастури **UNDESA** (туғилишдаги умр кўриш давомийлиги индикатори), **UNESCO**, **UNICEF** (ўртача ва кутिलाётган таълим давомийлиги) ҳамда **World Bank**, **International Monetary Fund** ва **United Nations Statistics Division** (аҳоли жон бошига ЯМД (харид қобилияти паритети бўйича) томонидан юритиладиган статистик маълумотлардан фойдаланади.

¹ http://hdr.undp.org/sites/default/files/hdr2020_technical_notes.pdf

II. 2020 йилги ҳисобот таҳлили ва Ўзбекистоннинг рейтингдаги ўсиш омиллари

БМТ Тараққиёт Дастури томонидан 2020 йил 15 декабрда эълон қилинган ҳисоботида кўра, инсон тараққиёти даражаси жуда юқори бўлган мамлакатлар сифатида **Норвегия (0,957)** кўрсаткичи билан), **Ирландия (0,955)** ва **Швейцария (0,955)** етакчилик қилмоқда. **Чад (0,398)** кўрсаткичи билан), **Марказий Африка Республикаси (0,397)** ва **Нигер (0,394)** давлатлари **189 давлат** ўртасида сўнгги ўринларда бормоқда.

Давлатлар	Ўрин	Индекс	Туғилиш-даги умр кўриш давомийлиги, йил	Ўртача таълим давомийлиги, йил	Кутилаётган таълим давоми йлиги, йил	Аҳоли жон бошига Ялпи Миллий Даромад (харид қобилияти паритети бўйича), АҚШ долларида
Норвегия	1	0,957	82,4	18,1	12,9	66 494
Ирландия	2	0,955	82,3	18,7	12,7	68 871
Швейцария	3	0,955	83,8	16,3	13,4	69 394
Гонг Конг	4	0,949	84,9	16,9	12,3	62 985
Исландия	5	0,949	83,0	19,1	12,8	54 682
Германия	6	0,947	81,3	17,0	14,2	55 314
Швеция	7	0,945	82,8	19,5	12,5	54 508
Австралия	8	0,945	83,4	22,0	12,7	48 085
Нидерландия	9	0,944	82,3	18,5	12,4	57 707
Дания	10	0,940	80,9	18,9	12,6	58 662

“Инсон камолоти – 2020” ҳисоботи натижаларига кўра, **Ўзбекистон Республикаси юқори инсон камолоти даражасига эга давлатлар қаторидан жой олди** ҳамда индексда **0,720** кўрсаткичи билан **106-ўринни** эгаллаб, аввалги қайд этган натижасига нисбатан **2 поғона** юқорига кўтарилган.

Ҳисобот йили	Туғилишдаги умр кўриш давомийлиги, йил	Ўртача таълим давомийлиги, йил	Кутилаётган таълим давомийлиги, йил	Аҳоли жон бошига Ялпи Миллий Даромад (харид қобилияти паритети бўйича), АҚШ долларида
2020	71,7	11,8	12,1	7 142

Ўрин	Кутилаётган ўртача умр давомийлиги индекси	Таълим индекси	Даромад индекси	Индекс кўрсаткичи
106	0,795	0,729	0,645	0,720

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги ва Болтиқбўйи давлатлари орасида **Эстония** (дунё рейтингида **29-ўрин**), **Литва** (**34-ўрин**), **Латвия** (**37-ўрин**), **Қозоғистон** (**51-ўрин**) ҳамда **Россия Федерацияси** (**52-ўрин**) бўйича юқори ўринларда туради.

Марказий Осиё давлатлари орасида Ўзбекистон Республикаси Қозоғистондан кейинги ўринда жойлашган.

Давлатлар	Кўрсаткич	Рейтингдаги ўрни	Туғилишдаги умр кўриш давомийлиги, йил	Кутилаётган таълим йиллари, йил	Ўртача таълим йиллари, йил	Аҳоли жон бошига ЯМД, АҚШ доллари да
Қозоғистон	0,825	51	73,6	15,6	11,9	22 857
Ўзбекистон	0,720	106	71,7	12,1	11,8	7 142
Туркманистон	0,715	111	68,2	11,2	10,3	7 045
Қирғизистон	0,697	120	71,5	13,0	11,1	4 864
Тожикистон	0,668	125	71,1	11,7	10,7	3 954

Ўзбекистон Республикасининг Инсон камолоти индексидаги **2010-2019 йиллар давомида** эришган натижаларига назар ташласак, туғилишдаги умр кўриш давомийлиги **68,3** ёшдан **71,7** ёшга, кутилаётган таълим йиллари **11,4** йилдан **12,1** йилга, ўртача таълим йиллари **10,0** йилдан **11,8** йилга, ЯМДнинг аҳоли жон бошига улуши **2 967** АҚШ долларидан **7 142** АҚШ долларига ҳамда Инсон камолоти индекси кўрсаткичи **0,641** дан **0,720** га кўтарилганлигини кўриш мумкин².

² БМТ Тараққиёт Дастурининг 2010-2019 йиллардаги ҳисоботлари асосида тайёрланган.

Хис. йили	Ўрин	Туғилишдаги умр кўриш давомийлиги, йил	Кутилаётган таълим йиллари, йил	Ўртача таълим йиллари, йил	Аҳоли жон бошига ЯМД, АҚШ долларларида	Инсон камолоти индекси
2011	115	68,3	11,4	10,0	2 967	0,641
2012	расмий ҳисобот эълон қилинмаган					
2013	114	68,6	11,6	10,0	3 201	0,654
2014	116	68,2	11,5	10,0	5 227	0,661
2015	114	68,4	11,5	10,9	5 567	0,675
2016	105	69,4	12,2	12,0	5 748	0,701
2017	расмий ҳисобот эълон қилинмаган					
2018	105	71,4	12,0	11,5	6 470	0,710
2019	108	71,6	12,0	11,5	6 462	0,710
2020	106	71,7	12,1	11,8	7 142	0,720

Мамлакатимизда олиб борилаётган кучли ижтимоий ҳимоя остидаги аҳоли даромадларини ошириш, уларнинг турмуш тарзини яхшилаш, янги иш ўринларини яратган ҳолда бандликни таъминлаш каби ислохотлар натижасида ЯМДнинг аҳоли жон бошига улуши мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб то ҳозирги кунгача қарийб **3,7 баробарга ўсганлигига** гувоҳ бўлиш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёевнинг 2018 йил 28 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида илгари сурилган мақсадлар ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили”да амалга оширишга доир Давлат дастури тўғрисида” 2019 йил 17 январдаги ПФ-5635-сон Фармонида белгиланган устувор вазифаларнинг самарали ижроси натижасида аҳолининг турмуш даражасини ошириш ҳамда ижтимоий ҳимояни таъминлаш борасида салмоқли ютуқларга эришилди.

Соғлиқни сақлаш соҳасига киритилган инвестициялар ҳажмининг ортиши натижасида³:

- **даволаш муассасалари сони 1 205 тага** (2018 йилга нисбатан **40 та кўп**);

- **амбулатор поликлиникалари, шу жумладан хусусий муассасалар сони 5 955 тага** (2018 йилга нисбатан **328 та кўп**);

³ <https://www.stat.uz/uz/rasmiy-statistika/social-protection-2>

- болалар поликлиникалари ва улар бўлинмалари сони **2 058** тага (2018 йилга нисбатан **930** та кўп) етказилди.

Бунинг самараси сифатида:

- 1 ёшгача бўлган болаларни эмлаш қамрови **100** фоизни ташкил этилган;

- 2018 йилга нисбатан 2019 йилда **5** ёшгача болалар ўлими (1 000 тирик туғилганга нисбатан) **0,7** промилле (13,1 дан 12,4 га), оналар ўлими (100 000 тирик туғилганга нисбатан) **0,6** промилле (20,2 дан 19,6 га) пасайишга эришилди.

Соғлиқни сақлаш соҳасидаги асосий кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	2015	2016	2017	2018	2019	2019 йилги ютуқлар
Шифохона муассасалари сони	дона	1 071	1 106	1 135	1 165	1 205	40
Стационарларда даволанган беморларнинг жами сони	минг киши	5293,9	5581,5	5984,8	6235,6	6154	81,6
Битта шифохона ўрнига тўғри келадиган аҳоли сони	киши	243	243	241	215	221	6
Амбулатория-поликлиника муассасалари сони	дона	6 220	6 542	5 296	5 627	5 955	328
Болалар поликлиникалари (бўлимлари) сони	дона	1 997	1 783	1 102	1 128	2 058	930
Битта шифокорга тўғри келадиган аҳоли сони	Киши	379	382	383	367	369	2
Фаолият кўрсатаётган санатория-курорт муассасалари ва дам олиш ташкилотлари (тур базаларни қўшган ҳолда) объектлари сони	дона	392	434	460	484	509	25
Хизмат кўрсатилган шахслар	минг киши	575,2	623,1	632,8	631,1	807,1	176,0
5 ёшгача болалар ўлими коэффиценти – жами (1 000 тирик туғилганга нисбатан)	киши	15,1	14,1	15,4	13,1	12,4	0,7
Гўдаклар ўлими коэффиценти - жами (1 000 тирик туғилганга нисбатан 1 ёшгача ўлганлар сони)	киши	11,4	10,7	11,5	9,9	9,3	0,6
Оналар ўлими коэффиценти (100 000 тирик туғилганга нисбатан)	киши	18,9	17,4	21,0	20,2	19,6	0,6
Иммунизация даражаси 1 ёшгача бўлган болаларни эмлаш	фоиз	99,8	99,9	99,8	99,7	100,0	0,3

Мамлакатимизда кейинги йилларда мактабгача таълим тизимида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, соҳада давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш, нодавлат мактабгача таълим

муассасалари сонини янада ошириш, улар кўрсатадиган хизматлар турларини кенгайтиришга катта эътибор қаратилмоқда.

Буларнинг натижасида жами **2,7 млн боғча ёшидаги боладан – 1 699 566 нафари (60,9 фоиз) мактабгача таълим** билан қамраб олинган. Ушбу кўрсаткич 2017 йилда – **708 247 нафар (27,7 фоиз)**, 2018 йилда – **932 310 нафар (37,7 фоиз)**, 2019 йилда – **1 413 290 нафарни (52,3 фоизни) ташкил этган**⁴.

Мактабгача таълим билан қамраб олинши	Ўлчов бирлиги	2015	2016	2017	2018	2019	2019 йилги ютуқлар
1-6 ёшли болалар	фоиз	15,5	17,3	17,0	21,0	26,3	5,3
3-6 ёшли болалар	фоиз	20,8	23,8	25,4	32,0	40,0	8,0

Олий таълим муассасалари юридик мақомга эга бўлиб, республикада уларнинг университет, институт ҳамда академия кўринишлари мавжуд⁵.

2020 йилнинг 1 январь ҳолатига Ўзбекистон Республикасида олий ҳарбий билим юртларидан ташқари **119 та олий таълим муассасалари** мавжуд бўлиб, уларнинг таркибида **7 та академия, 17 та хорижий олий таълим муассасаларининг филиаллари, 58 та университетлар** ва **5 та олий диний таълим муассасалари** ҳамда филиаллари **фаолият юритмоқда**. Бу 2018 йилга нисбатан **олийгоҳлар** сони **21 тага** кўпайишини англатади.

Олий таълим муассасаларига **2019-2020 ўқув йилига** жами **138,1 минг киши талабалikka қабул қилинди**, ушбу кўрсаткич ўтган йилнинг мос даврида **114,5 минг кишини** ташкил этган бўлиб, **23,6 минг кишига** ёки **20,6 фоизга** ошган. Ҳудудлар бўйича олий таълим муассасаларига қабул кўрсаткичларининг юқорилиги бўйича **Тошкент вилоятида 140,3 фоиз, Андижон вилоятида 131,3 фоиз, Тошкент шаҳрида 130,3 фоиз, Фарғона вилоятида 125,7 фоиз** кўрсаткичи қайд этилган.

2019 йилда бакалавр даражасига эга бўлган талабалар сони **65,6 минг нафарни** ташкил этиб, уларнинг **18,8 минг нафари давлат грантлари асосида таълим олган**.

⁴ <https://www.stat.uz/uz/rasmiy-statistika/social-protection-2>

⁵ <https://www.stat.uz/uz/rasmiy-statistika/social-protection-2>

2019-2020 ўқув йили учун **магистратурага** жами **9 362** нафар қабул қилинган талабалардан, **44,1** фоиз (4 131 нафари) **давлат гранти** асосида, **55,9** фоиз (5 231 нафари) эса **тўлов шартномаси асосида қабул қилинган**.

Магистратурага қабул квоталари 2018 йилга мос даврига нисбатан **63,5** фоизга **ошган**, шу жумладан **давлат гранти** асосида қабул квоталари **2,7 баробарга ошган**.

Олий таълим соҳасидаги асосий кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	2015/2016	2016/2017	2017/2018	2018/2018	2019/2020	2019 йилги ютуқлар
Олий таълим муассасалари сони	дона	69	70	72	98	119	21
шу жумладан хорижий олий таълим муассасалари филиаллари	дона	7	7	7	9	32	23
улардаги талабалар сони	минг киши	264,3	268,3	297,7	360,2	441	80,8
шу жумладан:							
- кундузги	минг киши	263,9	267,9	287,5	313	360,1	47,1
- кечки	минг киши	-	-	-	1,2	7,3	6,1
- сиртки	минг киши	0,4	0,4	10,2	46	73,6	27,6
10 000 аҳолига нисбатан тўғри келадиган олий таълим муассасалари талабалари	киши	84	84	93	110	130	20
Олий таълим муассасаларига қабул қилинган талабалар	минг киши	63	61,2	63	114,5	138,1	23,6
Олий таълим муассасаларини битирган мутахассислар	минг киши	66,3	64,1	67,4	70,3	70,8	0,5
Олий ўқув юртларидаги ўқитувчилар сони	минг киши	24 909	23 961	25 107	26 664	30 559	3 895

Мамлакатимизда олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотлар, тадбиркорларга қулайликлар ва имтиёзлар аҳоли даромадларининг ўсишида муҳим туртки бўлди⁶.

2019 йил якунларига кўра, **ЯИМ ўсиш суръати 5,4** фоиз белгиланган прогноз кўрсаткичи ўрнига **5,5** фоизни ташкил этди ҳамда **2018 йилда** эришилган **5,1** фоиз кўрсаткичидан **юқори бўлди**.

⁶ <https://www.stat.uz/uz/rasmiy-statistika/social-protection-2>

Иқтисодий ўсишнинг барқарорлиги иқтисодиёт тармоқлари томонидан **ялпи таклиф** ва **ички талаб** ўртасидаги **ўзаро мувозанати, инвестицияларнинг юқори суръатда**, яъни **28,6 фоизга** ҳамда **аҳоли реал даромадларининг 10 фоизга ўсишини қўллаб-қувватлаш ҳисобига таъминланди.**

Шу билан бирга:

- олиб борилган солиқ ислохотларига мувофиқ ҚҚС, юридик шахслардан олинадиган даромад солиғи, мулк солиғи ва ер солиғининг **солиқ базалари кенгайиши;**

- **жисмоний шахслар даромад солиғида** ягона **12 фоизли** ставканинг жорий этилиши ва Пенсия жамғармасига **суғурта бадалининг бекор қилиниши** ҳисобига иш ҳақининг сезиларли ўсиши ҳамда солиқ маъмуриятчилигини кучайтириш муносабати билан **иш ўринлари ташкил этилиши ва легаллаштирилиши;**

- **тадбиркорлик фаолиятини давлат рўйхатидан ўтказиш**, турли рухсатномалар олиш ва бошқа кўплаб хизматлар тартиб-қоидалари соддалаштирилиши аҳолининг даромадлари ошишида **муҳим аҳамият касб этди**⁷.

Аҳоли даромадлари (номинал нархларда)	Ўлчов бирлиги	2015	2016	2017	2018	2019	2019 йилги ютуқлар
Аҳоли умумий даромадлари	трлн сўм	158,7	185,0	220,8	282,8	346,4	63,6
Аҳоли жон бошига умумий даромадлар	минг сўм	5 070,5	5 810,0	6 817,6	8 580,0	10 317,4	1 737,4

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида” 2019 йил 12 июлдаги ПФ-5765-сон Фармони билан пенсиялар 2019 йилнинг **1 августидан бошлаб** бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг **иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ҳамда нафақалар миқдори 1,1 баравар оширилган**⁸.

Пенсияга доир асосий кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	2015	2016	2017	2018	2019	2019 йилги ўсиш
Пенсия ва ижтимоий нафақа олувчилар сони	минг киши	3203,9	3324,2	3488,9	3690,3	3 878,4	188,1
Ёшга доир пенсияларнинг энг кам миқдори	минг сўм	254,7	292,9	336,9	396,5	436,1	39,6
Тайинланган ўртача ойлик пенсия миқдори	минг сўм	438,2	494,2	556,8	640,5	733,2	92,7

⁷ <https://api.stat.uz/api/v1.0/data/aholi-daromadlari-togrisida-malumot?lang=uz&format=pdf>

⁸ <https://api.stat.uz/api/v1.0/data/pensiya-taminotining-asosiy-korsatkichlari?lang=uz&format=pdf>

Шунингдек, ПФ-5765-сон Фармон билан, **2019 йил 1 августдан бошлаб:**

II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахсларнинг ногиронлик пенсиялари энг кам миқдори ёшга доир энг кам пенсиянинг **50** фоизидан **75** фоизга оширилди;

II гуруҳ ногиронлиги бўлган ёлғиз шахслар – пенсионерларнинг пенсияларига устама миқдори энг кам иш ҳақининг **50** фоизидан **75** фоизга оширилди;

боқувчисини йўқотганлик нафақаси миқдори меҳнатга лаёқатсиз оила аъзолари сонига амалдаги фоизлар нисбати сақланган ҳолда ёшга доир пенсиянинг энг кам миқдоридан келиб чиқиб ҳисобланиши белгиланган;

I гуруҳ ногиронлик нафақаси, шунингдек, 16 ёшдан катта болалиқдан I гуруҳ ногиронлик нафақаси олувчиларга **ҳар ойда энг кам иш ҳақининг 25** фоизи миқдорида **қўшимча тўлов** жорий қилинган.

Охириги тўрт йил давомида Давлат бюджети харажатлари ичида ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш харажатлари (таълим, соғлиқни сақлаш) сезиларли даражада ўсди, жумладан **2018 йилда** Давлат бюджети харажатлари таркибида **ижтимоий қўллаб-қувватлаш харажатлари 48,8** фоизни ташкил этган бўлса, **2019 йилда** бу кўрсаткич **79,7** фоизга етган, ўз навбатида, **таълим харажатлари 2,5** фоизга ҳамда **соғлиқни сақлаш харажатлари 0,7** фоизга ўсган⁹.

Харажатлар	Ўлчов бирлиги	2018		2019		2019 йилги ютуқлар	
		трлн сўм	харажатларга нисбатан %да	трлн сўм	харажатларга нисбатан %да	трлн сўм	харажатларга нисбатан %да
Давлат бюджети харажатлари жами (мақсадли жамғармаларсиз)	трлн сўм	79,7	100,0	118,0	148,0	38,3	48,0
шундан:							
Ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш харажатлари	трлн сўм	39,0	48,8	63,5	79,7	24,5	30,8
шундан:							
Таълим	трлн сўм	20,6	25,9	33,5	28,4	12,9	2,5
Соғлиқни сақлаш	трлн сўм	9,6	12,0	14,9	12,7	5,4	0,7

⁹ <https://www.stat.uz/uz/rasmiy-statistika/social-protection-2>

Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси томонидан **5 356 та** тадбиркорлик субъектларининг **10,2 трлн сўмлик** кредитларига **4,2 трлн сўмлик кафилликлар** тақдим этилди, **14 902 та тадбиркорлик субъектларига 23 трлн сўмлик** кредитлар бўйича **2,8 трлн сўмлик компенсация шартномалари** имзоланиб, жамғарма томонидан иқтисодиётнинг барча соҳаларига **20 258 та лойиҳалар** учун жами **6 986,1 млрд сўмлик молиявий ёрдам кўрсатилган** ҳамда бунинг натижасида **159 972 та иш ўринлари** яратилган.

Шунингдек, Тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари доирасида жами **214 982 та лойиҳаларга 6 076,3 млрд сўм** кредитлар ажратилган.

Инсон камолоти ҳисоботи – 2020 бўйича **Ўзбекистон тўғрисидаги маълумотларнинг шакллантирилиш ҳолатлари** куйидагича кўриниш олган¹⁰:

Маълумотлар номи	2020 йилги Инсон камолоти ҳисоботи
2020 йилги ҳисоботда янги қўшилган индикаторлар сони	10
Ўзбекистон тўғрисидаги маълумотлар мавжуд бўлмаган индикаторлар сони	45
шундан: Давлат статистика қўмитаси ҳисоботларида юритиладиган, лекин Инсон камолоти ҳисоботида шакллантирилмаган индикаторлар сони	8
маълумотларни шакллантириш талаб этиладиган индикаторлар сони	26
Инсон камолоти бўйича ҳисобот идораси (HDRO) томонидан формула асосида шакллантириладиган индикаторлар сони	11
2020 йилги ҳисоботда Ўзбекистон тўғрисидаги маълумотлар шакллантирилган индикаторлар сони (2019 йилги ҳисоботга нисбатан)	6
2020 йилги ҳисоботда чиқариб ташланган индикаторлар сони	7
Номи ўзгарган индикаторлар сони	2
Жами индикаторлар сони	169

¹⁰ <http://hdr.undp.org/en/countries/profiles/UZB>

III. Инсон камолоти индексида Ўзбекистоннинг мавқеини янада яхшилаш юзасидан устувор йўналиш ва мақсадлар

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасининг халқаро рейтинг ва индекслардаги ўрнини яхшилаш ҳамда давлат органлари ва ташкилотларида улар билан тизимли ишлашнинг янги механизмини жорий қилиш тўғрисида” 2020 йил 2 июндаги ПФ-6003-сон Фармонининг 3-иловасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси учун устувор бўлган халқаро рейтинг ва индекслар бўйича самарадорликнинг энг муҳим кўрсаткичлари (KPI) ишлаб чиқилган.

№	Рейтинг ва индекслар ҳамда таркибий индикаторларнинг номланиши	Жорий ҳолат	2020	2021	2022	2023	2030
			йил	йил	йил	йил	йил
	Инсон камолоти индекси ҳисоботи	HDI-2020	HDI-2021	HDI-2022	HDI-2023	HDI-2024	HDI-2031
	Инсон камолоти индекси	0,720	0,720	0,730	0,740	0,750	0,820
1	Кутилаётган ўртача умр давомийлиги индекси	0,800	0,800	0,810	0,820	0,830	0,900
2	Таълим индекси	0,730	0,730	0,740	0,750	0,760	0,830
3	Даромад индекси	0,645	0,645	0,653	0,660	0,670	0,740

Маълумот учун: мазкур Фармонга ўзгартиш ва қўшимчалар киритилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ва индикаторларга масъул бўлган вазирлик ва идоралар томонидан индикаторлар кесимида KPIга таклифлар Халқаро рейтинг ва индекслар билан ишлаш бўйича республика кенгашининг ишчи органига (Молия вазирлиги) киритилган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёевнинг 2020 йил 29 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси билан Инсон камолоти индекси индикаторларининг тегишлилиги бўйича 2021 йилда қуйидаги кенг қўламли ишларни амалга ошириш режалаштирилган.

I. Умр кўриш давомийлигини ошириш мақсадида:

- 2021 йил мамлакатимизда **“Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили”** деб эълон қилинди;
- **коронавирус пандемиясига қарши курашни** тизимли равишда давом эттириш учун **2021 йил Давлат бюджетига 3 трлн сўм захира шакллантирилди;**

- **15 ёшгача бўлган болалар** ва **ҳомиладор аёлларга 7 турдаги витаминлар**, шунингдек, **паразитар касалликларга қарши дорилар бепул тарзда берилади**;

- **аёллар** ва **болаларни йод, темир, фолий кислотаси, витаминлар** ва паразитларга қарши дорилар билан бепул таъминлаш орқали **аҳоли ўртасида камқонлик 25 фоизга камайтиради**;

- **5 ёшгача болалари бўлган оилалар**, шунингдек, **туғиш ёшидаги аёллар** ва **ҳомиладор аёллар, ногиронлар, қон-томир, онкологик, эндокрин** касалликларга мойил бўлган одамлар учун **патронажнинг универсал прогрессив модели жорий этилади**;

- **онко-гематология соҳаси ҳамда даволаш қийин бўлган касалликлар** бўйича мураккаб диагностика ва тиббий амалиётлар учун Давлат бюджетидан **250 млрд сўм** ажратилиб, **ўткир буйрак етишмовчилиги бўлган 5 мингдан ортиқ бемор** бепул гемодиализ хизмати билан **қамраб олинади** ва шу мақсадлар учун Давлат бюджетидан **140 млрд сўм** ҳамда **эндокрин касалликларини аниқлаш ва даволаш мақсадида худудий шифохоналарда махсус бўлимлар ташкил** этиш учун **150 млрд сўм** йўналтирилади;

- тиббиёт соҳасини рақамлаштириш кўлами янада кенгайтирилади, Республика ихтисослашган тиббиёт марказлари ва уларнинг филиаллари ўртасида телемедицина йўлга қўйилади.

II. Таълим соҳасидаги ислохотларни кенгайтириш мақсадида:

- **мактабгача таълим қамровини 65 фоизга етказиш** учун бюджетдан **600 млрд сўм** субсидия бериш ҳисобидан қўшимча равишда **2 мингта нодавлат боғча ташкил этилади** ҳамда 2021 йилда мактабга тайёрлашнинг **бепул тизими** билан **560 минг нафар 6 ёшли болалар** ёки уларнинг **82 фоизи қамраб олинади**;

- **30 та янги мактаб қуриш, 320 та мактабни таъмирлаш** ва **моддий-техник базасини яхшилаш** мақсадида бюджетдан **2 трлн сўм** ажратилади;

- **олий таълимга ажратиладиган давлат грантлари** сони камида **25 фоизга оширилади** ва олий ўқув юртларига қабул қилишда **эҳтиёжманд оилалар қизлари** учун **грантлар сонини 2 баробарга кўпайтириб, 2 мингтага етказилади**;

- “Эл-юрт умиди” жамғармаси орқали етакчи **хорижий олий ўқув юртларининг магистратура** ва **докторантурасида ўқишга юбориладиган ёшлар сони 5 баробарга** оширилади;

- юртимиздаги **30 та етакчи** олийгоҳга ўқув дастурларини ишлаб чиқиш, қабул квотаси ва молиявий масалаларни **мустақил ҳал қилиш ҳуқуқи** берилади;

- илм-фан соҳасида олийгоҳлар ва илмий ташкилотлардаги **докторантлар сони 4,5 мингтага** етказилади ёки 2017 йилга нисбатан **3 баробарга** оширилади. Ушбу мақсадлар учун **бюджетдан қўшимча 240 млрд сўм** ажратилади.

III. Аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш мақсадида:

- маҳаллаларда **аҳолини касб-ҳунарга ўқитиш** бўйича **мингдан зиёд марказлар ташкил этилади**. Бунда касб-ҳунарга ўқитилган ҳар бир шахс учун ўқув марказларига **1 млн сўмгача** субсидия берилиб, бунинг учун бюджетдан **100 млрд сўм** ажратилади;

- ҳар бир туманнинг имконияти ва ривожланиш йўналишидан келиб чиқиб, **деҳқончилик билан шуғулланадиган оилаларга 10 сотихдан 1 гектаргача** ер майдонлари ажратилади;

- **эҳтиёжманд аҳоли бандлигини таъминлашга** Бандликка кўмаклашиш ҳамда Жамоат ишлари жамғармаларидан **500 млрд сўм** йўналтирилади;

- **вақтинча ишсизлик нафақаси 3 баробар** оширилади ва бунда **6 та ҳужжат** талаб этиладиган эски бюрократик тартиб бекор қилинади;

- **тадбиркорликни молиявий қўллаб-қувватлаш** борасидаги ишларни давом эттириш мақсадида **оилавий тадбиркорлик дастурлари** доирасида 2021 йилда **6 трлн сўм** имтиёзли кредитлар ажратилади;

- ҳукумат томонидан Жаҳон банки билан биргаликда бошланган **қишлоқларда тадбиркорликни ривожлантириш** дастурини кенгайтириш учун қўшимча **100 млн доллар** йўналтирилади;

- **тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ 5 мингга яқин норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар** қайта кўриб чиқилиб, уларнинг сони қисқартирилади ҳамда **Тадбиркорлик кодекси** ишлаб чиқилади;

- **бандликни таъминлаш учун 84 та туман** ва **шаҳарда** саноат салоҳиятини янада ошириш учун **100 та технопарк, кичик саноат зоналари, ҳудудий кластер** ва **логистика марказлари** ташкил этилади.

Юқоридаги устувор йўналишлар ва вазифалар бўйича кенг жамоатчилик томонидан билдирилган таклифлар, фикр ва мулоҳазаларни инобатга олган ҳолда Ўзбекистон Республикаси

Президентининг “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили”да амалга оширишга доир давлат дастури тўғрисида” 2021 йил 3 февралдаги ПФ-6155-сон Фармони тасдиқланди.

Давлат дастурида белгиланган тадбирларни амалга ошириш учун жами **29,5 трлн сўм**, **2,6 млрд доллар** ва **57,5 млн евро** йўналтирилади.

Маълумот учун: 2020 йилда 18,2 трлн сўм ва 10,3 млрд АҚШ доллари этиб белгиланган эди.

KPI га эришиш мақсадида Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳамда индикаторларга масъул вазирлик ва идоралар томонидан амалга оширилиши кўзда тутилган ҳамда 2021 йилга мўлжалланган чора-тадбирлар дастурига киритилган қуйидаги ишлар **мувофиқлаштирилади**:

I. Умр кўриш давомийлигини ошириш мақсадида:

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили”да амалга оширишга доир Давлат дастури тўғрисида” 2021 йил 3 февралдаги ПФ-6155-сон Фармонида **аҳолининг саломатлигини мустаҳкамлаш, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш ва хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш** бўйича **25 та** бандлар ижроси;

- **оналар ўлими кўрсаткичини, янги туғилган чақалоқлар ва беш ёшгача бўлган болалар** орасида **ўлимни олдини олиш**.

II. Таълим соҳасидаги ислохотларни кенгайтириш мақсадида:

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили”да амалга оширишга доир Давлат дастури тўғрисида” 2021 йил 3 февралдаги ПФ-6155-сон Фармонида **таълим ва фан соҳасини ривожлантириш** бўйича **23 та** бандлар ижроси;

- 3-7 ёшдаги болаларни **мактабгача таълим** билан қамраб олишни **65 фоизгача** ошириш;
- **ўрта таълим** (экстернат тартибда) билан **қамраб олиш** коэффицентини **94 фоизга етказиш**;
- **олий таълимга қамровни** жами битирувчилар сонига нисбатан 2021 йилда **27 фоизга етказиш** чораларини кўриш бўйича ташкилий ишларни амалга ошириш;
- БМТ Тараққиёт дастури ҳамда масъул вазирлик ва идоралар билан биргаликда индикаторлар ўрнини ошириш борасида мунтазам алоқаларни ўрнатиш, бунда **таълим соҳасига қамров даражасини оширишнинг аниқ моделини ишлаб чиқиш**.

III. Аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш мақсадида:

- Вазирлик иқтисодий комплексга кирадиган давлат органлари билан биргаликда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг **2021 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнозига эришиш мақсадида** барча турдаги **чора-тадбирларни амалга ошириш**, жумладан **ялпи ички маҳсулот 5,1 фоизга, саноат 5,5 фоизга, қурилиш 6,5 фоизга ўсишини таъминлаш**;
- Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили”да амалга оширишга доир Давлат дастури тўғрисида” 2021 йил 3 февралдаги ПФ-6155-сонли Фармонида **хусусий тадбиркорлик фаолиятини янада ривожлантиришни таъминлайдиган ишбилармонлик муҳитини яратиш 2 та** ҳамда **аҳоли бандлиги ва реал даромадларини изчил ошириш бўйича 6 та бандларни ижроси таъминлаш**;
- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “2020-2021 йилларда иқтисодий ўсишни тиклаш ва иқтисодиёт тармоқлари ҳамда соҳаларида тизимли таркибий ислохотларни давом эттириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2020 йил 29 августдаги ВМҚ-526-сон **қарори ижросини таъминлаш юзасидан мониторинг ишларини олиб бориш**, бунда:
 - а) макроиқтисодий сиёсат ва бозор институтларини ислох қилиш ҳамда банк соҳасидаги асосий чора-тадбирлар;

б) аҳоли бандлиги, даромадларини ошириш ва камбағалликни қисқартириш ҳисобига ички талабни рағбатлантиришнинг асосий чора-тадбирлари;

в) ишбилармонлик ва рақобат муҳитини яхшилаш, хусусий тадбиркорликни ривожлантириш бўйича асосий чора-тадбирлар;

г) саноат ва маҳаллийлаштириш, инвестиция муҳити, инвестиция ва қурилиш соҳасидаги асосий чора-тадбирлар;

д) хизматлар ва рақамлаштириш ҳамда экспорт соҳасидаги энг муҳим чора-тадбирларни ўз ичига олган.

- 2021 йил давомида **“Ўзбекистон Республикасини 2030 йилга қадар ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш Концепцияси”**ни тасдиқлаш ва амалиётга жорий этиш чораларини кўриш;

- **тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш** ва **ривожлантириш**, уларнинг фаолиятига таъсир қилувчи ҳар қандай тўсиқларни бартараф этиш бўйича комплекс чора-тадбирлар;

- **“маҳаллабай” ишлаш** бўйича **янги тизимни ташкил этиш** ва **камбағалликни қисқартириш** бўйича **вазифалар ижросини таъминлаш**.

Мамлакатимизда охириги тўрт йил давомида олиб борилаётган барча соҳадаги ислоҳотлар ва ижобий ўзгаришлар, шу жумладан аҳоли турмуш даражасининг оширилиши, халқ таълими ва соғлиқни сақлаш тизимларининг тубдан ислоҳ қилиниши орқали эришилаётган ютуқлар нафақат халқаро рейтинглардаги мавқеимизнинг яхшиланишига, шунингдек, халқ манфаатлари йўлида барча йўналишлар бўйича ривожланишда давом этаётганимизни кўрсатиб беради.